

# Ёмонликдан қайтарадиган нарса ҳаёдир | Тазкия дарслари (329-дарс)

**ТАЗКИЯ**  
329-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



19:00 / 24 май 1344

???? ?????? ?????? ?????? ???????: ?????? ?????????

????? ??????? ?????? ?????????? ??????????? ??????

????????? ?????????????? ?????????????????? ?????? ???????????

?????????? ?????????????????? ??????????? ?????? ??????????????

????????????? ?????? ??????: «????? ?????? ??????????

????????????? ?????????? ?????????????????? ?????????????????? ??????????

????????????? ?????????????????? ??????????????????????» . ??????????

????? ???????? ???????????????????.

Яъло розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам очик жойда иштонсиз ғусл қилаётган одамни кўриб қолдилар. Бас, минбарга чиқдилар. Аллоҳга ҳамду сано айтганларидан сўнг:**

**«Албатта, Аллоҳ ўта ҳаёли ва ўта тўсингандир. Бирортангиз ғусл қилса, тўсиниб олсин», дедилар».**

*Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.*

Бу гапларда одоб-ахлоқнинг олий даражаси ўз ифодасини топган. Муслмонлар ичидаги мавжуд камчиликларни муолажа қиладиган ваъзхонлар ва хатиблар бундан ўрнак олишлари керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фалончининг фалон жойда қип-яланғоч ғусл қилаётганини кўрдим, «Шу ҳам иш бўлдимиз?» демадилар. Бошқа шунга ўхшаган гапларни ҳам айтмадилар. Балки аввал Аллоҳ таолонинг ўта ҳаёли эканини эслатиб, муслмонларни ҳам ўта ҳаёли бўлишга ундадилар. Аллоҳ таолонинг ўта тўсинган эканини эслатиб, муслмонларни ҳам ўта тўсинишга ундадилар. Сўнгра асосий мақсадга кўчиб, тўсиниб олиб ғусл қилиш кераклигини баён қилдилар.

????? ?????? ?????????? ?????? ?????? ???????? ? ??????

????????????? ??????? ?????? ?????????? ????????????

?????: «????????? ?????? ??????? ???????????????????:

????????????????? ?????????????????????? ??????????????????

?????????????????».

??????????????????.

Абу Айюб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Тўрт нарса расулларнинг суннатларидандир: ҳаё, хушбўй сепиш, сивок ва никоҳ», дедилар».**

Аҳмад ва Термизий ривоят қилишган.

Ҳаё инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган сифатлардан биридир. Ҳаё инсонга зийнат ҳисобланган улуғ бир сифат, набийларнинг ҳаммаларига муштарак сифат бўлган нарсадир.

Шунинг учун ҳам ҳар бир мўмин-мусулмон ҳаёли бўлишга ҳаракат қилмоғи лозим.

???? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????????: ??????

????????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ???????????

?????: «????????????? ?????????????????????? ??????????

?????????? ?????? ??? ?????????????????????? ?????????? ??????????

????????????????? ?????????? ?????????? ?????????????? ??????

????????????? ?????????????????????????? ??????????????????????».

????????? ?????????????????????? ??? ??????????????

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Яланғоч бўлишдан сақланинглар. Чунки сиз билан қазои ҳожат ва эр киши ўз аҳлига борган пайтдан бошқа вақтда ҳеч ажралмайдиган шахслар бўлади. Бас, улардан ҳаё қилинглар ва уларни икром этинглар», дедилар».**

*Термизий «Одоб боби»да ривоят қилган.*

???? ?????? ??????? ??????? ?????? ??????????????: ??????  
????????????? ??????? ?????? ??????????? ?????????????? ??????  
????????? ??????? ?????????????? ??? ?????????????????? ??????????:  
????????? ??????????????? ??????? ?????????????? ?????????? ?????  
????????? ?????? ?????????? ?????????? ?????? ?????????? ??????  
????????????? ?????????????? : «????????? ?????????? ??????????????  
????? ??????????????????» . ?????????? ??????????????????.

*Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бировни ҳаёси учун «Сен ҳаё қилиб, ўзингга зарар қиласан», деб итоб қилаётган кишининг олдидан ўтиб қолдилар ва:**

**«Уни ўз ҳолига қўй! Албатта, ҳаё иймондандир», дедилар».**

*Тўртовлари ривоят қилишган.*

Демак, ҳаё иймоннинг баркамоллигидан келиб чиқадиган хулқдир. Ҳар бир мўмин-мусулмон ҳаёли бўлишга ҳаракат қилиши лозим.

???? ????? ?????????? ?????? ?????? ??????? ? ?????  
????????????? ??????? ?????? ?????????? ???????????  
??????: «????? ??????? ?????????? ?????????? ?????  
????????? ?????????????????? ??????????????: ?????? ?????  
?????????? ?????????????? ??? ??????????» . ?????????  
????????????????????? ?????????? ?????????? ???????????????.

Абу Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Одамлар нубувватнинг биринчи каломидан идрок қилган нарсалардан бири: «Агар ҳаё қилмасанг, истаганингни қилавер»дир», дедилар».**

*Бухорий, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.*

Ҳа, ҳаёсиз киши барча ёмонликларни тап тортмай қилаверади. Одам боласини ёмонликдан қайтарадиган нарса унинг ҳаёсидир.

**«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.